

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил 16 декабрь

Янгийўл шаҳри

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар суди,
ўзининг биносида, судья Ф.Ишанходжаевнинг раислигида,
судья ёрдамчиси Э.Аминованинг котибалигида,
давлат айбловчиси - Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси Н.Каландарова,
жабрланувчи З.Тургунова,
судланувчи Ф.Маманазарова ва унинг ҳимоячиси – “Aqdiy-vakolat”
адвокатлик фирмаси адвокати Н.Азимованинг иштирокида,

**Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми
“б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбланувчи –**

04.04.1986 йил Андижон вилоятида туғилган, Ўзбекистон
Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, ўрта маълумоти, ажрашган,
икки нафар вояга етмаган фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз,
Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Юксалиш” маҳалласи
Тараққиёт кўчаси 22-уйда яшовчи, 25.11.2022 йилдан қамоқда
сақланаётган, айблов хулосаси нухасини 11.10.2022 йил олган
Маманазарова Феруза Алимовнага

нисбатан 1-1119-2202/309-сонли жиноят ишини очик суд мажлисида кўриб
чиқиб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Ф.Маманазарова 2022 йил май ойидан 22 июль кунига қадар
бўлган вақт давомида Тошкент вилояти Янгийўл шаҳри “Баҳор” маҳалласи
Шодиёна кўчаси 115-уйда норасмий фаррош сифатида ишлаб келиб,
жабрланувчи З.Тургунованинг ётоқхонасидан 61039160 сўм эквивалентдаги
5600 (беш минг олти юз) АҚШ долларини бир неча қисмларга бўлиб яширин
равишда талон-торож қилган ва жабрланувчига анча миқдорда мулкый зарар
етказган.

Суд жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, суд муҳокамасида
бевосита текширилган далилларни таҳлил қилиб, судланувчининг айби
қуйидаги далиллар йиғиндиси билан исботлангани ҳақида хулосага келади.

Судланувчи Ф.Маманазарова суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб,
ўзининг кўрсатувларида хонадонларда тозалаш ишларини амалга ошириб
тирикчилик қилиб келишини, 2022 йил январь ойидан Янгийўл шаҳри
Шодиёна кўчаси 115-уйда яшовчи Тургунова Зулфия опанинг Муштарий
исмли келинини таклифига кўра ушбу уйда ҳафтада бир марта тозалаш
ишлари билан шуғулланганини, 2022 йил тахминан май ойидан бошлаб
З.Тургунованинг ётоқхонасини ҳам тозалашни бошлаганини, шунда



трюмосининг устидаги кутида АҚШ доллари купюраларини кўриб, ҳар сафар у ердан 100 АҚШ долларидадан 400 АҚШ долларигача пулларни олиб, ўғирлай бошлаганини, олган пулларини турли хоналардаги гилам тагига яшириб кўйиб, ишларини тамомлаганидан кейин уларни ўзи билан олиб кетганлигини, пулларни ўзининг эҳтиёжларига сарфлаганини, 2022 йил 21 июль куни Муштарий унга кўнғироқ қилиб, эртаси 22 июль куни уйига яна чақирганлигини, шу куни соат 08:30ларда уйига бориб тозалашни бошлаганини, 3.Тургуновани ётоқхонасида унинг сумкасини чўнтагидан 100 АҚШ долларини топиб, уни ошхонадан ҳаммомга кираверишдаги палас тагига яшириб кўйганини, шу вақт ИИБ ходимлари келиб, уни Янгийўл шаҳар ИИБ биносига олиб кетишганини, шунда 3.Тургунованинг ётоқхонасидан тахминан 7-8 марта пул ўғирлаганини тан олганини, бундан ташқари шу куни ҳам 100 АҚШ долларини ўғирлаганига иқроп бўлиб, ИИБ ходимларига яширган жойини кўрсатганини ва 100 АҚШ доллари олиб кўйилганини, қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини баён қилди.

Жабрланувчи 3.Тургунова суд мажлисида берган ўзининг кўрсатувларида 2022 йил 18 май куни ўзига тегишли 55 дона 100 АҚШ доллари купюрасидан иборат жами 5500 АҚШ долларини ётоқхонасидаги трюмо устидаги кути ичига кўйганини, 2022 йил 21 май куни ўғли Тургунов Шерзод билан чет давлатга саёҳатга кетишганини, 2022 йил тахминан 6-7 июнь куни қайтиб келишганини, 2022 йил 19 июль куни 5500 АҚШ доллари пуллари жойида йўқлигини аниқлаганини, кичик келини Муштарий уйга фаррош сифатида шахси кейин маълум бўлган Ф.Маманазаровани чақирганини айтганини, гумон фақат унга тушганини, шунинг учун уни яна чақиришга қарор қилишганини, 2022 йил 22 июль куни эрталаб Ф.Маманазарова келиб уйни тозалашни бошлаганини, шунда Янгийўл шаҳар ИИБ ходимларига хабар беришганини, орадан вақт ўтиб ИИБ ходимлари келишганини ва Ф.Маманазаровани олиб кетишганини, орадан яна вақт ўтиб ИИБ ходимлари икки нафар холис ва Ф.Маманазарова билан уйига қайтиб келишганини, шунда ётоқхонасида бўлган вақтда шу куни ҳам сумкасида 100 АҚШ долларини ўғирлаб, ошхонадан ҳаммомга кираверишдаги палас тагига яшириб кўйгани маълум бўлганини, Ф.Маманазарова ИИБ ходимларига пулни яширган жойини кўрсатганини, шу жойдан 100 АҚШ доллари топилганини, сўнг Ф.Маманазарова илгари ҳам кўп марта пул ўғирлаганини тан олганини, дастлабки тергов жараёнида пулларини ёстиғининг тагида сақлагани ҳақида кўрсатувлар бериб хатоликка йўл кўйганини, уларни трюмо устидаги кути ичига кўйганини кейин эслаганини, ҳозирги кунда Ф.Маманазарова ва унинг оила аъзолари ундан кечирим сўраб, моддий зарарни тез кунларда қоплаб бериш ёзма мажбуриятини олишганини, судланувчига даъвоси йўқлигини баён қилди ва унинг оғир оилавий шароитини ҳисобга олиб, озодликда ишлаб зарарни қоплаш имкониятини яратиб беришни ва шу сабабли судланувчига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо беришни сўради.

Гувоҳ М.Тургунова суд мажлисида аналогик кўрсатувлар берди.



Булардан ташқари Ф.Маманазарованинг айби суд муҳокамасида текширилган қуйидаги ёзма ва ашёвий далиллар билан ҳам исботланган:

Гувоҳ А.Тургунов, Б.Хусанбоев, Д.Рихсиева, М.Нурматова, Б.Тургунова ва Ш.Тургуновнинг Ўзбекистон Республикаси ЖПК 104-моддаси 3-бандига асосан суд мажлисида ўқиб эшиттирилган дастлабки терговдаги кўрсатувлари;

-ходиса содир бўлган жойини кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган чизма ва фотосуратлар;

-Ф.Маманазаровадан олиб қўйилган 100 АҚШ доллари купюраси, уни олиб қўйиш ва кўздан кечириш баённомаси, унга илова қилинган фотосуратлар;

-терговга қадар текширув материаллари.

Суд ушбу далилларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 95-моддаси талабига мувофиқ баҳолаб, ҳар бирини ишга алоқадор, мақбул ва ишончли деб, уларни йиғиндисини эса ҳукмнинг тавсиф қисмида баён қилинган жиноятларни содир этишда Ф.Маманазаровани айблаш учун етарли деб топади.

Юқорида кўрсатилган барча далиллар жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ олинган.

Жумладан, дастлабки терговда Ф.Маманазарованинг ҳимоя ҳуқуқи таъминланган, у билан боғлиқ барча тергов ҳаракатлари ҳимоячи иштирокида ўтказилган.

Жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари суд томонидан аниқланган ишнинг ҳақиқий ҳолатларини тўлиқ тасдиқлайди. Бу кўрсатувлар ўзаро мувофиқ келиши, бири-бирини тўлдириши, қарама-қаршиликлардан иборат эмаслиги сабабли суд уларни ҳаққонийлигини шубҳа остига олмайди.

Жиноят предмети жиноят-процессуал қонун талабларига мувофиқ ҳолислар иштирокида олиб қўйилиб, кўздан кечирилган ва тегишли баённома тузилган ҳамда терговчининг қарори билан ашёвий далил деб эътироф этилган.

Суд Ф.Маманазарованинг ҳаракатларини ўғрилиқ, яъни ўзганинг анча миқдордаги мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “б” банди билан квалификация қилади.

Жазо тайинлашда суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 7, 8, 42 ва 54-моддаларига риоя қилиб, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, судланувчининг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олади.

Хусусан, Ф.Маманазарова етказилган мулкий зарарни тўлиқ қопламаган бўлса-да, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини (*унча оғир бўлмаган жиноят*), айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини ва жабрланувчининг енгилроқ жазо



бериш ҳақидаги ёзма илтимосини ҳисобга олиб, суд уни жамиятдан ажратмасдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 42-моддасида белгиланган жазо мақсадларига эришиш – ахлоқан тузатиш, жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилиш ва янги жиноят содир этишини олдини олиш мумкин деб ҳисоблайди ҳамда унга ушбу Кодекс 169-моддаси 2-қисми санкцияси доирасида озодликни чеклаш жазосини тайинлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида” 27.12.2016 йилги 26-сонли қарори 10-бандига кўра, жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш масаласини ҳал этишда мол-мулкнинг ҳукм чиқарилган кундаги қийматидан келиб чиқиш лозим. Бунда валюта қимматликлари қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ҳукм чиқарилган кунда белгиланган курс бўйича аниқланади.

Интернет тармоғидаги <https://cbu.uz/oz/arkhiv-kursov-valyut/> манзили бўйича олинган маълумотга кўра, ҳукм чиқарилган кун - 2022 йил 16 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1 АҚШ долларининг қиймати 11231.15 сўм миқдорида белгиланган.

Бундан келиб чиқиб, суд Ф.Маманазаровадан жабрланувчи фойдасига 5500 АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти – 61771325 сўм ундириш белгилайди.

Ашёвий далиллар тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 211-моддасида белгиланган қоидаларга мувофиқ ҳал қилинади, жумладан Ф.Маманазаровадан олиб кўйилган 100 АҚШ доллари дастлабки тергов жараёнида жабрланувчига қайтарилгани эътиборга олинади.

Баён қилинганларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 454-457, 462, 463, 465-468, 471-474-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Маманазарова Феруза Алимовна Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 2-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбли деб топилсин ва унга 5 (беш) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилиниб, Маманазарова Феруза Алимовна суд мажлиси залида дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 62-моддасига асосан, Маманазарова Феруза Алимовна 2022 йил 25 ноябрдан 16 декабргача қамоқда сақланган вақт (21 кун) жазо муддати ҳисобига киритилсин ва қатъий ўташ учун 4 (тўрт) йил 11 (ўн бир) ой 9 (тўққиз) кун озодликни чеклаш жазоси белгилансин.



Маҳкума Маманазарова Феруза Алимовнага нисбатан сутканинг соат 21:00дан 07:00гача бўлган вақтида яшаш жойидан, яъни Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани “Юксалиш” маҳалласи Тараққиёт кўчаси 22-уйдан чиқишига чеклов ўрнатилсин ва унинг зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (*чеклашлар*) юклатилсин:

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш рухсат берилган умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларга (*кафе, бар, ресторан, чойхона, буфет, тунги клуб, дискотека ва ҳоказо*) бормаслик;

-оммавий тадбирларни ўтказилишида иштирок этмаслик;

-маҳкумани назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Андижон вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-алкоголли ичимликларни истеъмол қилмаслик.

Жазо маҳкуманинг яшаш жойидаги ички ишлар органининг пробация хизмати назорати остида ўталсин.

Жазо муддати маҳкум жазони ижро этиш органида ҳисобга қўйилган кундан ҳисоблансин.

Жиноят натижасида етказилган мулкий зарарни қоплаш учун маҳкума Маманазарова Феруза Алимовнадан жабрланувчи Тургунова Зулфия Джурабаевна фойдасига 5500 (*беш минг беш юз*) АҚШ долларининг сўмдаги эквиваленти – 61771325 (*олтмиш бир миллион етти юз етмиш бир минг уч юз йигирма беш*) сўм ундирилсин.

Маҳкума Маманазарова Феруза Алимовнага Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 48¹-моддаси 6-қисмида белгиланган қоида тушунтирилсин, яъни маҳкум озодликни чеклаш жазосини ўташдан қасддан бўйин товлаган ва суд томонидан унинг зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкин.

Ҳукм устидан у эълон қилинган кундан бошлаб йигирма сутка ичида, маҳкум томонидан эса унга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти ва протести берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(*имзо*)

Ф.Ишанходжаев

Аслига тўғри:

Судья Ф.Ишанходжаев

